БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 9 август Пайшанба
№ 149 (13.585). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •





Долзарб мавзу

Саргардон ҳосил карвони

КАЛВАК МАХЗУМ айтганми йўқми, билмадиг-у, аммо, унинг нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, боболаримизнинг қўлбола носидек танқид ҳамиша ҳам таъсир кўрсатмас экан. Шароитга тез мослашадиган бюрократлар аччиқ танқидларга аллақачон мослашиб қолишибди. Ишонмасангиз, пешоналарини шўр босган шаҳрисабзлик бечораҳол деҳқонлардан сўранг. Яна ҳам ишонгингиз келмаса, мазкур суратларга боқинг. Шаҳрисабз консерва заводи. Завод эшиги пештоқига ўрнатилган лавҳадаги ҳарфларнинг жимжимадорлиги, қўлида мева-чева тўла лаган ушлаган Шарқ қизининг хушрўйлиги машҳур мусаввир, Навоий ҳазратларининг тилларига тушган қилқалам соҳиби Беҳзоднинг нақшларидан, суратларидан ҳам гўзал ва нафисдир. Афсус, афсус, ҳаёт бошқа-да. Ҳаётни изга солиб турувчи пешволарнинг иш тутишлари бошқача десак, янада тўғрироқ бўлади. Сен танқид қилавер! Танқидинг оёғим остидаги занг босган сариқ чақага ҳам арзимайди дейишса керак-да. Шундай калта ўйлашмаганларида бу ҳолга бепарво қарашмасди, албатта. Мана неча кундирки, расмларда акс эттирилгандек, завод эшиги ёнида юк ортилган тракторлар турнақатор тизилиб турибди. Кун иссиғида оч-наҳор кута-кута тоқати-тоқ бўлган деҳқон бошини қайси деворга-ю, дардини кимга айтишни билмай ҳайрон. Рўзғорни тебратиш учун жон куйдириб етиштирган ҳосили сувга оқаяпти. Помидорлар чириб кетмоқда. Бадбўй ҳиддан кўнгил айнийди. Рўзғори нима бўлди экан? Бола-чақасичи?

Китоб ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги аъзоси Эшқуввват Турсунов, Яккабоғ ноҳияси «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Убайдулла Равшанов, чироқчилик Султон Ҳолмирзаев, Эркин Тўраевлар ўзларини қўярга жой тополмайдилар. Кимдир эса чарчаган, толиққан, ухлаб ётибди. Кимдир асабий: пешонаси тиришган, кўзлари қизарган, соқолини олмаганига ҳам анча кун бўлган кўринади.

Завод ишчилар қўмитаси раиси Абдулазиз Ёдгоровнинг қораси кўриниши билан уни ўртага олишади.

— Бу қандай ҳол? Нега қабул қилмаяпсизлар? — сўрашади одамлар баравврига шовқин солишиб.

А. Ёдгоров елка қисади.

— Директор Сафар Эштўхтаров келмагунича ҳеч нима деёлмайман, — дейди у жиғибийрон бўлиб.

Директор қачон келади?


Эҳтимол умуман келмас. Унда турнақатор тракторлар жойидан қўзғалмайди, помидорлар сув бўлиб ерга оқади, чивинларга худо беради. Деҳқонга-чи?

ИЗОҲ ЎРНИДА:

Биз шу йилнинг 4 август куни Шаҳрисабз консерва заводи ёнидан ўтаётиб, юқоридагидек ҳолатга дуч келдик. Нима учун бизда ҳар бир ишнинг чора-тадбирлари ўз мавсумига қараб, олдиндан белгиланмайди? Нима учун завод раҳбарлари бу ишга панжа орасидан қарашган? Деҳқонни шунчалик куйдирганимиз камлик қилганмиди? Уларни икки-уч кунлаб сарсон-саргардон қилиб қўйиш инсофданмикин?

Рўзнома бу ҳақда мутасадди ўртоқлардан жавоб кутади.

Тўлқин ҲАЙИТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Жўра БОБОРАҲМАТ суратлари.







Биринчи саҳифага мактуб

Бир хил қайғурайлик

Тошкентга келганимга салкам икки ой бўлаяпти. Мен Ўзбекистондан ташқарида яшаб истиқомат қилаётган ва айни шу кунларда олий ўқув юртларига кириш ниятида келган кўплаб ўзбек тенгдошларим билан танишдим. Суҳбатларимиз давомида шу нарса аниқ бўлдики, ҳаммамизнинг дардимиз бир экан. Ўзбекистон жумҳуриятидан ташқарида яшаётган ўзбек ёшларининг тақдири бизни ташвишга солмоқда.

Бошқа Урта Осиё жумҳуриятларида ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар бор бўлганда ҳам, мактабни тугатганлар олий ўқув юртларида ўзбек тилида сабоқ ола билмайдилар. Шу сабабли ҳамма Ўзбекистонга ошиқади. Бу ердаги олийгоҳларда жумҳуриятдан ташқарида яшаётган ўзбеклар учун ҳеч қандай имтиёз йўқ, аксинча бошқа жумҳуриятлардан келган ёшлар Тошкент шаҳар ёшларига қўйилган талаблар билан тенгма тенг талабларга жавоб бера олгандагина олийгоҳларга қабул қилинадилар.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Тошкент шаҳар ёшларининг илм олиш имкониятлари билан бизнинг имкониятларимиз орасида ер билан осмонча фарқ бор-ку! Шундай экан, бизга бундай юқори талабларнинг қўйилиши миллатимиз равнақи йўлидаги ғов эмасми?

Дўппини ерга қўймасдан ўйлайдиган вақт аллақачонлар келган. Ташқарида қайта қуриш шамоллари авж олмоқда.

ИСМОИЛОВА Наргиза
Омонкелди қизи.
Туркманистон ССР.

Жабрини ким тортади?

МАМЛАКАТИМИЗ, шу жумладан жумҳуриятимиз иқтисодиёти чуқур инқирозни бошидан кечираётганини яхши биламиз. Шу муносабат билан бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўрилаётганидан хабаримиз бор. Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми қашшоқликда кун кечираётган айни пайтда ана шундай тадбирни амалга ошириш биз учун қанчалик машаққатли бўлишини жумҳуриятимиз раҳбарлари ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтишди.

Бозор иқтисодиётига ўтсак деярли ҳамма нарсанинг нархи ошар экан. Буни мажбурий ва зарурий қадам эканлигини тушунамиз. Лекин яқинда биз бир ташвишли янгиликдан хабар топдик. Эшитишимизча, 1991 йилнинг 1 январидан рўзномалар нархи ҳам қарийб тўрт баробар ошармиш. Хусусан жумҳуриятимиз ёшларининг, нафақат ёшларининг балки барча меҳнаткашларининг севимли рўзномаси бўлмиш «Ёш ленинчи»нинг йиллик обуна баҳоси 25 сўмга кўтарилади дейишаяпти! Агар шу гап рост бўлса, болалар матбуотининг ҳоли не кечади? Тушунолмай қолдик, наҳотки биз, ёшларнинг аҳволимиз нима кечишини ҳеч ким ўйламаса? Ахир қайси пулимиз ёки даромадимиз ҳисобига обуна бўламиз? Мамлакат ёки жумҳурият иқтисодиётини нотўғри бошқарган биз эмас-ку, шундай экан нима учун биз ўз матбуотимиздан маҳрум бўлишимиз керак?

Халқимиз дунёга болажонлиги, ёш авлодга ғамхўрлиги билан донг таратган. Ўйлаймизки, бу хислат жумҳуриятимиз раҳбарларида ҳам бор ва улар Ўзбекистоннинг равнақи ва келажаги йўлида чинакамига қайғураётганларини яна бир бор амалда исботлаб бизга, оддий муштарийларга ёрдам қўлини чўзадилар деб, умид қиламиз.

О. РАЗЗОҚОВ,
ТошДД толиби.

ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИ

8 август куни Тошкентда ўрмон, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати ходимлари касаба уюшмаси ўрнига ташкил этилаётган касаба ташкилотининг съезди иш бошлади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон ССЖ касаба уюшмалари федерацияси Уставининг лойиҳасини, совет касаба уюшмалари конфедерациясини ташкил этиш тўғрисидаги декларацияни муҳокама этиб, ўзларининг янги уставини қабул қиладилар ва касаба уюшмасининг раҳбар органларини ҳамда Ўзбекистон ва мамлакат касаба уюшмалари съездларига делегатлар сайлайдилар.

ЯНГИ ИНСТИТУТ

Қорақалпоғистон АССРда мамлакат ҳукуматининг дорилфунунининг бир қанча куллиётлари негизида яна педагогика институти ташкил этилди.

— Мавжуд олий ўқув юртлари муаллимларга бўлган эҳтиёжни тўла даражада таъминламаяпти, — дейди мухтор жумҳурият халқ таълими вазири Ж. Бозорбоев.— Шу сабабли халқ таълими даражаси кўнгилдагидек эмас. Бизга ҳар йили 1800—2000 педагог талаб этилмоқда. Нукус Давлат дорилфунуни эса йилига 500 га яқин педагог тайёрлаб бермоқда. 1981 йилда мактабларимизда олий маълумотли ўқитувчилар 82,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу йилги ўқув йилида улар атиги 77,7 фоиздан иборат бўлади. Айниқса бошланғич синфларда малакали ўқитувчилар ва тарбиячилар етишмайди. Масалан, Шуманай ва Ленинобод ноҳияларида шундай мутахассислар атиги 20 фоизни, умуман Қорақалпоғистонда эса 46,8 фоизни ташкил этади...

Мактабларни қорақалпоқ тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, меҳнат, мактабгача тарбия, математика, миллий мактаблар учун рус тили ва адабиёти ўқитувчилари билан таъминлаш масаласи кескин бўлиб турибди. Болаларни тасвирий санъатга, чизмачиликка, мусиқа, ашулага ўргатадиган муаллимлар йўқ. Педагогика институти ана шу муаммоларни ҳал этиши керак.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Шу сонга хабар

Нашрларни рўйхатга олиш бошланди

СССР Вазирлар кенгаши умумиттифоқ даврий нашрларини рўйхатга олишни СССР давлат матбуот қўмитасига топширди. Давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари А. С. Горковлюк рўйхатга олиш тартиби ва бу жараён қандай бораётгани ҳақида сўзлаб берди.

— «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ умумиттифоқ ўқувчиларига мўлжалланган рўзнома, ойнома шаклидаги ҳозир нашр этилаётган барча оммавий ахборот воситалари 1991 йил 1 январга қадар СССР Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олиниши лозим. Рўйхатга олиш жойи — Москва, Петровка кўчаси, 26-уй.

Нашрларни расмийлаштириш учун ариза тақдим этиш кифоя, аризада оммавий ахборот воситасининг муассиси, номи, тили, қаерда жойлашганлиги, унинг тахминий тиражи, чиқиш даври, ҳажми ва пул билан таъминлаш манбалари кўрсатилиши лозим. Аризани кўриб чиқиш муддати кўпи билан бир ой.

Агар худди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса ва ўз-ўзидан равшанки, янги рўзнома ёки ойнома саҳифаларида мавжуд давлат тузумини зўрлик билан ағдариб ташлашга даъволарни босиб чиқариш, урушни, зўрликни ва шафқатсизликни, ирқий, миллий ёки диний тоқатсизликни тарғиб қилиш, қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни очиш, шунингдек ахлоқсиз суратларни кўпайтириш режалаштирилаётган рўзномалар ёки ойномалар рўйхатга олинмайди деб, таъкидлади, А. С. Горковлюк.

Мамлакат парламентида жамоат ташкилотлари тўғрисида қонун қабул қилингунга қадар мамлакатдаги сиёсий партияларнинг органлари ҳам рўйхатга олинмайди. Бундай органларни рўйхатга олиш ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлик бўлур эди: агар партияларнинг ўзлари ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган бўлса, бинобарин, бу партияларнинг ўзи йўқ, шундай экан партиянинг органи бўлиши мумкинми?

Агар муассислар орасида нашрни тасис этиш ҳуқуқи тўғрисида баҳс чиққан бўлса, оммавий ахборот воситаси расмийлаштирилмайди.

Оммавий ахборот воситаларининг муассислари — ташкилотлар ёки шахсий кишилар аризадан ташқари рўйхатга олиш йиғимини тўлаш учун икки минг сўм тайёрлаб қўйишлари керак. Чет эллик ўқувчиларга мўлжалланган нашрларни рўйхатга олиш тарифи ҳали аниқлангани йўқ. Буни яқин орада СССР Молия вазирлиги белгилаб беради.

— 7 августгача, — деди А. С. Горковлюк, СССР Давлат матбуот қўмитасининг ойнома ва рўзнома нашрлари бўлимига нашрни рўйхатга олиш илтимос қилинган шахсий кишилардан бешта ва ташкилотлардан юзга яқин ариза тушди.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
СИТА мухбири.

Умидсизликнинг 51-куни

БУГУН 9 августда собиқ «Чорвадор» ширкатининг собиқ раиси, тошкентлик Ақойиддин Ҳожимуҳамедовнинг очлик эълон қилганига 51 кун бўлди. Унинг соғлигини кузатаётган врачларнинг айтишича, А. Ҳожимуҳамедовнинг аҳволи оғир.

Бу А. Ҳожимуҳамедовнинг 1990 йилда иккинчи марта очлик эълон қилишидир. Биринчи марта эълон қилинган очлик 19 мартдан бошланиб 16 кун давом этганди. Сабаби ширкат ва Чимкент вилоятининг «Қозоғистон 40 йиллиги» давлат хўжалиги ўртасида келиб чиққан низо эди. Ширкат мазкур хўжалик ҳудудидан 31 гектар ерни ижарага олганди. Бироқ давлат хўжалиги шартномани бир томонлама бекор қилди. Натижада «Чорвадор» ширкати давлатдан қарз сифатида олинган 300 минг сўмни қайтара олмайдиган бўлиб қолишди ва «куйди».

Биринчи марта ширкатчи А. Ҳожимуҳамедов мутасадди раҳбарларнинг камчиликларини бартараф этиш тўғрисидаги ваъдаларига ишониб очликни тўхтатганди. Кейин эса турли идора ва маҳкамаларда сон-саноқсиз ваъдалар бериш ва сансалорлик бошланди. Шундан сўнг...

Энди А. Ҳожимуҳамедовни умр йўлдоши ва уч фарзандининг ялиниб-ёлборишлари-ю кўз ёшлари ҳам уни совуқ ертўладан чиқара олмаяпти.

7 августда «Комсомольская правда» ва «Ёш ленинчи» рўзномаларининг махсус мухбирлари А. Ҳожимуҳамедовни бориб кўришди. Келгуси сонларимизда ушбу можаро тафсилотлари билан батафсил таништирамиз.

**М. АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири.
Г. РАЖАБОВА,
«Ёш ленинчи» жамоатчи мухбири.**

Қишлоқда кичик заводлар

Қўқон вино-арақ заводи қабул пункти яқинида меваларни қайта ишлайдиган цех қурилди. Ана шу кичик корхона Фарғона ноҳиясидаги Киров номли давлат хўжалиги меҳнаткашларининг боғлардаги мўл ҳосилини саранжомлаш муаммосини ҳал этишларига ёрдам берди. Корхоналарнинг бундай ёнма-ён жойлашиши давлат хўжалиги учун қулайдир. Чунки бу ерда сув етарли, муҳандислик коммуникациялари ва энг муҳими цех фойдаланадиган тозалаш иншоотлари бор.

Янги цех жамоасига тажрибали технолог Рустам Нажмиддинов бошчилик қилмоқда.

— Бу йилги мавсумда, — деди у, — биз ўн беш минг банка консерваланган маҳсулот тайёрлашни ва айни вақтда қувватларни оширишни мўлжаллаяпмиз. Помидор шарбати ишлаб чиқарадиган автомат линия монтаж қилина бошлади.

Ҳозир Фарғона вилоятининг жамоа ва давлат хўжаликларида боғ ва полиз маҳсулотини қайта ишлайдиган ўн бешта кичик-кичик заводлар ишлаб турибди. Улар йилига жами 18 миллионтадан кўп шартли банка консерва тайёрлаб беради.

«Ўрикзор»да мактаб дўкони

Шаҳримиздаги ана шу янги даҳада кўплаб хонадонлар ҳовли тўйлари ўтказиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Шахсий иморатлар бу ернинг кўркига-кўрк қўшмоқда. Озиқ овқат ва бошқа рўзғорбоп буюмлар билан савдо қилувчи дўконлар ишлаб турибди.

Шаҳар савдо бошқармаси аҳолига яна бир қулайлик яратиб, бу ерда мактаб-дўкон очди. Тўққиз нафардан иборат сотувчи ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари 10—15 минг сўмлик ўқув қуроллари, мактаб формалари ва бошқа кийим-кечаклар сотмоқда.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

«ЯХШИЯМКИ КОМСОМОЛ ХОДИМИ ЭМАСМАН»

Ёдингизда бўлса, рўзномамизнинг 7 июль (1990) сонида У. Йўлчиеванинг шундай сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Унга ҳозир кўплаб турли-туман фикрлар билдирилган мактублар олмоқдамиз. Кимлардир муаллиф фикрларини маъқуллайди, кимлардир рад этади. Бироқ нима бўлганда ҳам Умиданинг танқиди ёшларимизни лоқайд қолдирмади. Бизнингча, энг муҳими ҳам шу. Қуйида айрим хатлар билан танишасиз.

КОМСОМОЛДА ИШЛАШ ОСОН ЭМАС

Мақолада комсомол котиби фаолияти хусусида бир қатор асоссиз фикрлар юритилган. Айтингчи, бугунги кунда комсомол қўмитаси котиби «Билим» жамияти ёхуд кўнгилли ўт ўчириш жамияти учун пул йиғяпти, деган гапга ким ишонади? Бундай ҳол ҳатто турғунлик йилларида ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, комсомол қўмиталарининг комсомол-ёшлар шанбаликларига муносабати ҳам бугун тубдан ўзгарган. Бугун ҳеч ким «комсомол ташкилотларини йилига 3—4 марталаб ҳашар уюштиришга мажбур қилганлар» йўқ.

Табиий офатлар натижасида ёхуд турли фожиалар оқибатида талофат кўрганлар, қолаверса, марҳум байналмилалчи-аскарлар оилаларига ёрдам жамғармалари барпо этишга эса танқид кўзи билан қарамаслик керак. Иккинчидан, бундай хайрилар мажбурий равишда йиғилмайди-ку!

«Кўпгина ноҳиялардаги болалар касалхоналари қишда яхши исимайди, бир қанча шифохоналар мослаштирилган биноларга жойлаштирилмаганлиги туфайли канализациялари ё умуман йўқ, ёки ёмон ишлайди...

...Ана шу муаммоларни кўра туриб, ҳал этишга кучим етмаса, мен қандай қилиб комсомол ходими бўламан» дея, куюнибди муаллиф. Бу жуда яхши, лекин ҳукумат органлари еча олмаётган бундай муаммони комсомол ташкилотлари қандай ҳал қилсин?

Ахир биз кимдан нимани талаб қилишни яхши билишимиз керак-ку! Бирор ишга ҳамма (охир-оқибатда ҳеч ким) масъул эканлиги туфайли ботқоққа ботиб қолмадикми? Тўғри, юқоридаги муаммолар учун ҳаммамиз ҳам қайсидир маънода жавобгармиз, лекин булар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилоти даражасида ҳал қилинадиган ишлар эмас. Мақолада комсомол ташкилотлари ёшларнинг ишсизлик муаммосини бирон-бир жойда кўндаланг қўёлмайди дейилган. Мен бу фикрга ҳам тўлиқ қўшила олмайман. Ҳозир имконият қидирган комсомол ташкилотлари бу борада муайян ютуқларни қўлга киритяпти. Масалан, биз иқтисодий мустақилликдан фойдаланиб, ўтган йили ноҳия комсомол қўмитаси қошида «Қалдирғоч» хўжалик ҳисобидаги ёшлар бирлашмасини тузган эдик. Ўтган қисқа давр ичида 60 дан зиёд бекорчи ёшлар «Қалдирғоч»дан қўним топди. Бу ишимизнинг дебочаси, холос. Бирлашма кун сайин кенгайиб бормоқда. «Иш шкафимда даста-даста керак-нокерак қоғозларим тиқилиб ётибди. Мен уларнинг ҳаммасини тўлдиришим шарт. Боиси — ҳали ҳам ўша қоғозларнинг тақдири билан «юқори қизиқади»... Муаллифнинг бу фикри ҳам ҳақиқатдан йироқ. Чунки икки йилдирки, бирон бир комсомол органи (на марказий қўмита, на вилоят комсомол қўмитаси) ходими қоғозлар тақдири билан қизиқаётгани йўқ. Бу фикр икки йил нарёғида айтилганда, эътироз билдирмасдим. Бугун бошланғичга бораётганлар ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларнинг бажарилиши билан қизиқмоқдалар.

Шу ўринда комсомолнинг бугунги мустақиллиги хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бизга бу мустақилликни ВЛКСМ XX съезди берганди. Ҳозир эса бўлиб ўтган XXI съездда мустақиллик янада мустаҳкамланди. Қолаверса, съездда партиявий раҳбарликдан воз кечилди. Партия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг янги концепцияси белгиланди.

Охирги фикрим (эътирозим) комсомол ходимининг маоши хусусида. Биринчидан, комсомол ходимининг маоши осмонга чиқариб қўйилгани йўқ. Ойликлар халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари ходимлариникига мос равишда оширилди. Ҳали ҳам комсомол ходими меҳнатига яраша ҳақ олаётгани йўқ. Иккинчидан, комсомол ходимлари ўз маошларининг ошишини «жимгина, мийиғида кулиб» қаршиламади. Фикримни аниқ мисол билан мустаҳкамламоқчиман.

Ноҳиямиз комсомол ходимлари ойлик иш ҳақлари ошиши муносабати билан ажойиб ташаббус билан чиқишди. Бир ойлик маошларига қўшимча 1600 сўм пулни (1989 йил, сентябрь) байналмилалчи-аскарлар оилаларига ёрдам тариқасида ишлатишга қарор қилдилар. Ноҳия XXXIV комсомол конференцияси (1989 йил ноябрь) ижтимоий аҳамиятга молик соҳани ноҳия комсомол қўмитасининг асосий йўналишлари қилиб белгилади. Бу болалар уйига комсомол оталиги, байналмилалчи-аскарларга ғамхўрлик ва ёшларга иш ўринлари яратиш масалаларидир.

Ўтган вақт ичида ноҳиядаги 5-болалар уйи тарбияланувчиларига комсомол маблағлари ҳисобига видеомагнитофон совға қилиниб, бу ерда кичик телестудия барпо этилди. Болаларга иккита картина, ҳар бири минг сўмдан ортиқ турадиган спорт техникаси совға қилинди.

Шаҳар марказида марҳаматлик 15 нафар марҳум аскар хотирасига «15 ўғлон хиёбони» барпо этилди. Ҳозирги кунларда бу ерда 25 минг сўмлик ёдгорлик барпо этилмоқда.

У. Йўлчиева ўз мақоласига «Яхшиямки комсомол ходими эмасман» деб сарлавҳа қўйибди, мен эса, мактубимни комсомолда ишлаш қийин, унда ишлаш бахтига муяссар бўлганимдан фахрланаман, деган сўзлар билан якунламоқчиман.

Шукрулло НЕЪМАТОВ,
Марҳамат ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби.



Самарқанддаги «Кинап» заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бир ярим бараварга ўсди. Бу корхонада шу кунларда фуқаролар учун кундалик буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш давом этмоқда. Тўғри, бу билан корхонада маҳсулотлар тайёрланиши камаяди. Бироқ аҳоли эҳтиёжига мўлжалланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан ишчилар сони қисқармайди. Жумҳуриятимиздаги кинотеатрлар, киностудия, клублар учун турли хилдаги жиҳозлар тайёрлаш ҳажми кўпаяди.

СУРАТДА: корхонанинг техника назорати бўлими назоратчиси Роза Хабибуллина (олдинда) иш устида.

ЎзТАГ мухбири Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

ЧАҚАЛОҚ ЙИҒИСИ

Тун сокинлигини чақалоқ йиғиси бузди — фарзанд туғилди, яна бир инсон дунёга келди. Бу кун она учун нақадар бахтли эканлигини билсангиз эди! Аёл бу дамни қанчалар орзиқиб кутди. Олам-олам қувонч, адоғи йўқ бахт, иқбол ато қилди бу кун унга. 9 ой-у, 9 кун давомида юраги остида авайлаб-асраб юрган, сўнгра минг бир азоб билан дунёга келтирган бу гўдакдан азизроқ зот йўқ оламда. Ҳозиргина тўлғоқ азобларидан ўзини қўярга жой топа олмай, тўлғаниб ётган аёлнинг чақалоқ йиғисини эшитгани ҳамон кўрган жами азоб-уқубатлари унут бўлади.

Янги туғилган чақалоқлар хонасига кираман: 30 дан ошиқ гўдак — уларни бир-биридан фарқи йўқ. Белгиларга қараб қайси бири кимнинг фарзанди эканлигини ажратиб олиш мумкин. Яна бир неча кундан сўнг уларнинг ҳар бири ўз ота-оналарининг қайноқ бағрида бўлишади. Аммо...

...Бугун сен туғилган кун. Афсус, сенинг дунёга келишинг на отанг, на онанга қувонч келтирди. Келажакда сени нима кутади, билмайман. Балки бирон диёнатли оила сени асраб олар, балки сен тақдирлари ўзингникига ўхшаш «рад этилганлар» қатори болалар уйида катта бўларсан, балки сендан юз ўгирган ота-онангнинг кўзи очилиб, яна сени ўз бағриларига олишар — ахир ҳали ҳам кеч эмас-ку! Қани энди шундай бўлса, дейману, куни кеча бўлган воқеалар кўз олдимдан ўтаверади.

Туғруқхонадан чиқиб, йўл-йўлакай ўз фарзандини 1000 сўмга пуллаган 19 ёшли она, уч йил бурун боласидан воз кечиб, гўдак бошқа оилада тарбияланаётганда, оналиги эсига тушиб «Онаман, ҳаққим бор!»—деб фарзандини талаб қилаётган аёл, ўзининг иқрор бўлишича, 20 йил аввал (!) ўғлини туғруқхонага ташлаб кетган онанинг «ўғлимни топиб беринг!», деб ёлборишлари...

Юқорида қайд этилган воқеалар Тошкентдаги 3 ва 5-туғруқхонада рўй берган. Бу аёлларнинг кечикиб етилган оналик туйғуларини қандай тушуниш мумкин? Болани дунёга келтирган эмас, ҳаётнинг бутун завқ-шавқини сингдириб камол топтирган аёлгина онадир. Наҳотки, шу оддий ҳақиқатни улар билишмаса?

Аризалар бир хил мазмунда ёзилган: **«Мен** (исми ва фамилияси) **ўз боламдан воз кечаман. Унга ҳеч қандай даъвом йўқ...»** Сабаблари ҳам бир-бирига ўхшаш: **«боламнинг отаси йўқ, моддий таъминланмаганман».**

— 1989 йилда 19,шу йилнинг ўтган даврида 4 аёл ўз фарзандидан кечишди. Уларнинг кўпчилиги талаба, — дейди 5-туғруқхона ҳуқуқшуноси Д. Осипова.

— Ўз боласидан воз кечишнинг олдини олиш учун нима қилиш мумкин?

— Ҳар бир она билан алоҳида суҳбатлашамиз, тушунтирамиз, болани олишга кўндиришга ҳаракат қиламиз. Аёл фарзандини эмизганда унга меҳри тушади, дейишади. Баъзан бунинг фойдаси бўлади. Лекин ҳатто сут беришдан бош тортганлар ҳам учраб туради.

Чақалоқ йиғиси мени сергаклантиради. Яна она меҳридан маҳрум бўлган гўдакка қарайман. Ҳа, сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, ухлаб ётибсан. Сен ҳали онанг қорнидалигингдаёқ тақдиринг ҳал бўлганини, сенинг устингдан волидангнинг «ҳукм» чиқарганини билмайсан. Даҳшатли ҳукм! У мана шу қўлимдаги қоғозларда, аризаларда битилган. Қорнинг очиқиб, тамшанганингда ҳам, йиғлаб, қўлларингни чўзганингда ҳам сени онанг бағрига босмайди. У ҳеч кимга билдирмай, сенга ҳатто назар ҳам ташламай дераза оша туғруқхонадан «қочиб қолган».

Ёлғиз оналар — кечаги мактаб ўқувчилари. Ўзлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, уларнинг тақдирига ачиниб кетасан. Лекин шунда ҳам «аввал нимани ўйлаган эдинг?»— деб дашном бергинг келади-ю, хаёл қочади: бечораларга ҳам оғир. Севгида алданган, ота-она, қариндош-уруғларининг таънасига, таниш-билиш, қўни-қўшнининг гап-сўзига, севиклисининг бефарқлиги, хиёнатига чидай олмаган қиз шу қалтис қадамни қўйишга мажбур бўлган. Хўш, ота-чи? Бу вақтда ота нима қилар экан, деган саволнинг туғилиши табиий. Ўз севгилисининг ҳомиладорлигини эшитибоқ, «ошиқ» ваъдаларини унутиб, жуфтакни ростлагандир балки.

— Кўпинча бундай оталарни қидириб топамиз, — дейди 3-туғруқхона шифокори О. Султонова. — Баъзилари ҳарбий хизматда бўлишади, уларнинг қисмига хат ёзиб, чақиртирамиз. Оз бўлса-да шу ернинг ўзидан оила қурган ёшлар ҳам бор. Лекин йигитларнинг кўпчилиги «бола меникимас. Отасилигимни исботлаб беринг!» деб ўз пуштидан бўлган фарзандларидан тонишади.

Қизиқ, нима учун бутун ғазаб-нафратимизни аёлга тўкамиз, уни бемеҳрликда айблаймиз-у, ўз пуштидан бўлган фарзандини билмаган, кўрмаган отани ҳатто эсга ҳам олмаймиз? Нима учун йигитнинг қўрқоқлиги, субутсизлиги, бефарқлигига, унинг севганига, фарзандига қилган хиёнатига лоқайд қоламиз?

Гап бориб яна тарбияга тақалаяпти. Бас, шундай экан, йигитларимизга вафо, қизларимизга ибо тилаб қоламиз. Болалар эса — бу бизнинг ўзимиз, фақат улар ҳали ҳаётнинг пасту баланд сўқмоқларидан ўтиб, бузилиб улгурмаганлар. Қани энди, ҳеч бўлмаса улардаги шу софликни сақлаб қола олсак...

Д. НАБИХЎЖАЕВА, ТошДД талабаси.

АТ — ТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

7 август куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасида имом ат — Термизий ижодини ўрганишга бағишланган анжуман олдидан журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

— Мусулмонлар оламининг машҳур алломаси, диний илмлар мажмуасини яратишга муносиб ҳисса қўшган олим, жамоат арбоби имом Абу Исо Муҳаммад ат — Термизий таваллудига 1200 йил тўлмоқда, — деди Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармасининг раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мухбирлар билан суҳбатда. — Шу йил 14 сентябрь куни имом ат — Термизий меросини ўрганишга бағишланган конференция иш бошлайди. Бу халқаро анжуманда 400 киши, шу жумладан хориждан 120 киши қатнашади.

Ҳозирги кунда ушбу санани муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Имом ат — Термизийнинг ҳадислар тўпламини, китобларини ўзбек тилига таржима қилиш мўлжалланган.

Шарқ алломаси, имом ат — Термизий таваллудига бағишланган анжуман Тошкентда бошланиб, Термез ва Душанбе шаҳарларида давом этади.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Хориждан хабарлар

1945 ЙИЛ 9 АВГУСТ — МИЛИТАРИСТЛАР ЯПОНИЯСИГА ҚАРШИ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР БОШЛАНГАН КУН

ИТТИФОҚЧИ БУРЧИНИ БАЖАРИБ

45 йил муқаддам, 1945 йил 9 август куни совет қўшинлари Узоқ Шарқда милитаристлар Япониясига қарши жанговар ҳаракатларни бошлаган эдилар.

Маълумки, СССР билан Япония ўртасида 1941 йил 13 апрелда бетарафлик тўғрисида пакт тузилган эди. Шундан икки ой кейин Япониянинг иттифоқчиси бўлмиш фашистлар Германияси бизнинг мамлакатимизга хиёнаткорона ҳужум қилди. Япония томони Совет Иттифоқига ҳужум қилишнинг шартли равишда «Кантокуэн» деб аталган режасини ишлаб чиқиш билангина кифояланмасдан, кўп минг кишилик сараланган армиясини бизнинг Узоқ Шарқ чегарамизга келтириб ҳам қўйган эди. Шу сабабли биз у ерда 40 тагача дивизияни сақлаб туришга мажбур бўлдик.

Қизил Армия Москва ва Сталинград яқинида немис фашист қўшинларини жуда катта мағлубиятга учратганлиги Япониянинг ҳукмрон доираларига сергаклантирувчи таъсир ўтказди. Шундай бўлса-да, 1943 йилнинг апрелида Япониянинг Берлиндаги элчиси генерал Осима Риббентропга бундай деди: «Йигирма йилдан буён Япония Бош штабининг ҳамма режалари Россияга ҳужум қилишни мўлжаллаб ишлаб чиқилди, яна ҳамма режалар ҳужумга қаратилган».

Япон ҳарбийлари бетарафлик тўғрисидаги пактни бузиб келдилар. 1941-43 йилларнинг ўзида Япония қўшинларининг бўлинмалари ва япон ҳарбий хизматчиларининг гуруҳлари СССРнинг давлат чегарасини 779 марта буздилар, бизнинг территориал сувларимизга 206 марта бостириб кирдилар, совет объектларини 72 марта ўққа тутдилар. 1941-1944 йилларда Япония маъмурлари 178 та совет кемасини қонунга хилоф равишда ушлаб қолдилар. Фашистлар Германияси СССРга қарши уруш олиб борган даврнинг ҳаммасида япон ҳарбийлари моддий ресурслар ва айғоқчилик маълумотлари билан гитлерчиларга кўмаклашиб келганликларини, СССРнинг гитлеризмга қарши коалициядаги иттифоқчилари бўлмиш АҚШ ва Англияга қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар қилганликларини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Мана шуларнинг ҳаммаси Совет раҳбариятини бетарафлик тўғрисидаги Совет — Япония пактини денонсация (бекор) қилишга мажбур этди. «Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида бетарафлик тўғрисидаги пакт, — дейилган эди Совет ҳукуматининг 1945 йил 5 апрелдаги Баёнотида, — 1941 йил 13 апрелда, яъни Германиянинг СССРга ҳужум қилишидан аввал ҳамда Япония билан Англия ва Қўшма Штатлар ўртасида уруш бошланишидан илгари тузилган эди. Ўша пайтдан буён вазият бутунлай ўзгариб кетди. Германия СССРга ҳужум қилди, бундан ташқари Япония Совет Иттифоқининг иттифоқчилари бўлмиш АҚШ ва Англия билан жанг қилмоқда. Бундай ҳолатда Япония билан СССР ўртасида бетарафлик тўғрисидаги пактдан маъно қолмади ва бу пакт муддатини узайтиришнинг иложи йўқ».

СССРнинг бу тадбири япон ҳарбийларига қилинган жиддий огоҳлантириш эди. Аммо Япониянинг ҳукмрон доиралари ақл — идрок овозига қулоқ солмадилар. 1945 йил 7 апрелда бош вазир Судзуки: «Биз урушни муваффақиятли тугаллаш учун доимо олға ҳаракат қилаверамиз» деган гапни айтди. АҚШ, Англия ва Хитой 1945 йилнинг 26 июлида имзолаган декларацияни ҳам Япония ҳукумати рад этиб жанговар ҳаракатларни давом эттираверди, мазкур декларацияда Япониянинг сўзсиз таслим бўлиши талаб этилган эди.

Қон тўкилишини тўхтатиш, урушни бас қилиш учун қатъий чоралар кўриш керак эди. 1945 йил 8 августида Япониянинг Москвадаги элчисига келгуси кундан бошлаб СССР ўзини Япония билан уруш ҳолатида деб ҳисоблайди, деган хабар эълон қилинди. «Совет ҳукумати, — дейилган эди баёнотда — унинг мана шу сиёсати тинчлик бошланишини яқинлаштирадиган, халқларни бундан буёнги қурбонлар ва азоб-уқубатлардан халос этадиган, япон халқига Германия сўзсиз таслим бўлишдан бош тортганидан кейин унинг бошига тушган хавф — хатарлар ва вайронгарчиликлардан япон халқини халос этиш имкониятини берадиган бирдан-бир восита, деб ҳисоблайди». Шундай қилиб, СССРнинг Японияга қарши урушга кириши тезроқ тинчлик ўрнатиш манфаатлари йўлида қилинган ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига ва иттифоқчилик мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилган иш эди.

Совет қўмондонлиги жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўрар экан, душманнинг қудратли стратегик гуруҳи бизнинг қуролли кучларимизга қарама — қарши турганлигини эътиборга олди. Япония қуруқликдаги қўшинларининг жами сони 1,2 миллион кишидан, 1200 та танк, 5400 та тўп ва 1800 та самолётдан иборат эди.

Душманни тор — мор қилиш операциясини Байкалорти фронти, 1-ва 2-Узоқ Шарқ фронтлари амалга оширади. Операцияда қатнашиш учун Тинч океан флоти ва Амур флотилияси ҳам жалб қилинди. Монголия Халқ революцион армиясининг қисмлари бизнинг қўшинлар билан бирга ҳаракат қилди. Совет қўшинлари гуруҳида 1,5 миллиондан кўпроқ киши, 5500дан кўп танк. 26 мингта тўп ва миномёт, 3800 та жанговар самолёт бор эди.

Фронтлар ва флот ҳаракатларига стратегик раҳбарлик қилиш учун Давлат Мудофаа қўмитаси Узоқ Шарқда Совет қўшинларининг Бош қўмондонлигини тузди, унга Совет Иттифоқи маршали А. М. Василевский бошчилик қилди. У Олий Бош қўмондон қароргоҳининг режасини қатъият билан амалга оширди. Шу режа Совет — Маньчжурия чегарасининг тузилиши биз учун қулайлигидан фойдаланишни, Маньчжурияда ва Кореяда жойлаштирилган Япония қўшинларига қудратли зарбалар уришни кўзда тутар эди.

Уччала фронтнинг ҳужуми 9 августга ўтар кечаси бошланди. Уларнинг шиддатли зарбалари Квантун армиясини тор — мор этишга қўшилган ҳал қилувчи ҳисса бўлди. Ўша куниёқ Япония бош вазири Судзуки: «Бугун эрталаб Совет Иттифоқи урушга қўшилганлиги бизни бутунлай ноилож аҳволга солиб қўяди ва урушни бундан буён давом эттириш имкониятини қолдирмайди», деб айтди. Шуни ҳам айтиш керак, Хиросимага Американинг атом бомбаси ташланганидан кейин шу баёнот берилди ва бу баёнотнинг атом бомбардимонига мутлақо алоқаси йўқ эди.

«Нью-Йорк Таймс» рўзномасидаги мақола ҳам жуда ибратлидир. 1945 йилнинг августида рўзнома шундай деб ёзди: «Совет Иттифоқининг Японияга қарши урушга қўшилганлиги Тинч океандаги урушни тезроқ тугатадиган ҳал қилувчи омил бўлди, ҳатто атом бомбалари ишлатилмаганида ҳам энди уруш тугаган бўлур эди. Қизил Армиянинг Японияга тезлик билан зарба урганлиги қуршовни ниҳоясига етказди ва Японияни тиз чўкишга мажбур этган зарба бўлди».

Дарҳақиқат, 23 кун давом этган жангу — жадалда Совет қўшинлари Япония қуруқликдаги қўшинларининг асосий кучи — Квантун армиясини бутунлай тор-мор қилдилар. Натижада Узоқ Шарқдаги ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгарди; Шимоли — Шарқий Хитой, Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Куриль ороллари озод қилинди. Иттифоқчи армияларнинг Японияга қарши жанг қилаётган юз минглаб солдат ва офицерлари омон сақлаб қолинди.

Жанговар ҳаракатлар давомида душман 677 мингдан кўпроқ солдат ва офицеридан маҳрум бўлди, шундан 84 мингга яқини ўлдирилди. Биз томондан кўрилган жами талофат 32 минг кишидан иборат бўлди.

Милитаристлар Япониясини тор — мор этишда Англия, Америка қўшинлари фаол қатнашдилар. Бироқ ғалабага эришишда Қизил Армия ҳал қилувчи роль ўйнади. Айни шу армия Япониянинг энг асосий қуруқликдаги қўшинларини тор — мор этди. Узоқ Шарқдаги ғалаба натижасида иккинчи жаҳон урушининг сўнгги манбаи тугатилди. Жафокаш ер куррасида орзиқиб кутилган тинчлик ҳукм сура бошлади.

Н. КОМАРОВ,
Тарих фанлари номзоди.
ТАСС.



Тикувчи рассом Франк Сорбье либос иштиёқмандлари диққатига ўзининг янги асарларини ҳавола этди.

СУРАТДА: «Париж хотиралари», «Булими» ва «Ёввойи балет» деб номланган либослар.

АФП—ТАСС сурати.

НЕПАЛ ҚИРОЛИНИНГ ДАЪВАТИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири Борис Зайцев). Жанубий Осиё мамлакатлари ҳарбий харажатларни камайтириш ва бўшаб қолган ресурслардан тараққиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятларини жиддий равишда кўриб чиқишлари керак. Непал қироли Бирендра Ҳимолайдаги қироллликка уч кунлик расмий ташриф билан келган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири И. К. Гужрал билан Катманду шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда гапирди. Қирол Ҳиндистон бундан буён ҳам Жанубий Осиё регионал ҳамкорлиги уюшмаси доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам беради, деб умид билдирди.

Бирендра Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғининг ташрифи иккала мамлакат учун жуда муҳим бўлган даврда, улар ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилганидан кейиноқ ўтаётганлигини таъкидлади. «Муносабатларимиздаги мураккаб давр орқада қолганидан хурсандман», — деди қирол.

Ҳиндистон — Непал музокаралари натижасида муҳим аҳдномаларга эришилди. Жумладан, томонлар Уттар-Прадеш штатидаги туташ чегара районида яна учта назорат қилиб ўтказиш пункти очиш мажбуриятини олдилар. Деҳли билан Катманду Ҳиндистоннинг чегара шаҳарларини Непалнинг марказий районлари билан боғлайдиган учта темир йўл қуришда ҳамкорлик қилишга келишдилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИШОНЧЛИ ДАСТХАТ

Швед рассоми Венгт Линдстрем ҳадеб асарларининг қалбакилаштирилиб сотилаётганлиги жонига теккач, миршабларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. У ҳуқуқ посбонларидан қандай йўл тутиши кераклигини сўради. Мальмё шаҳри миршаблари унга ғалати маслаҳат бердилар. Унга асосан рассом ўз картиналарида бармоқ изларини қолдириши керак эди. Шундай қилиб, қаллоблар ҳуружига чек қўйилди. Ахир бармоқ изларини сохталаштириб бўлмайди-да.

МЕН ҲАММАНИ БИЛАМАН

Булғория қишлоқларининг бири Ардинода 73 ёшли Рамадан Замудов истиқомат қилади. У ҳайратланарли хотирага эга. Рамадан 12500 нафар юртдошларининг барчасининг исм ва фамилияларини ёддан айтиб бера олади. Ҳатто уларнинг ҳар бири ҳақида (ёши, қилиқлари, қизиқиши) тўлиқ маълумот ҳам беради. Ардинолик киши қишлоқдаги ёшларнинг авлод-аждодлари тўғрисида ҳам бемалол ҳикоя қилишга қодир.

225 МЕТРЛИК КАБОБ

Бельгиялик ошпаз Жильен Клейс халқ оғзаки ижоди байрамига атаб энг катта узунликдаги кабоб тайёрлади. Кабоб сихининг узунлиги 225 метр 30 сантиметр келади. Кабобни тайёрлашга 1600 килограмм гўшт ҳамда 150 килограмм кўмир сарфланди.

УЙДА ЧИҚИНДИ ЗАВОДИ

Англиялик Билл Смит ихчам машина ихтиро қилди. Бу «Пакмастер» деб номланган машинада ҳатто турли уй-рўзғор чиқиндиларини пресслаш, ҳатто шиша идишларни ҳам майдалаш мумкин. Муҳими, у электр қувватида ишлайди. Катталиги эса уй музлатгичдек келади.

ЧЕКУВЧИ БОЛАЛАР

Ноттингем дорилфунуни (Буюк Британия)нинг жамоат соғлиғини сақлаш кафедраси ўқитувчиси Памелла Жиллис тўплаган маълумотларга қараганда, 14 ёшгача бўлган қизларнинг 5 нафаридан бири чекар экан. Ўғил болаларда эса бу кўрсаткич 10 га 1. Мазкур маълумотномада яна шундай рақамлар келтирилади: Англияда 100 ўғил боладан 28 нафари ҳамда 100 қиз боладан 18 нафари «асабни тинчлантириш» учун мунтазам чекишади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Ўзбекистон жумҳурияти байналмилал-жангчилар ва заҳирадаги жангчилар жумҳурият Ассоциацияси тўғрисида

НИЗОМ

I. УМУМИЙ АҲВОЛ

1.1. Байналмилал жангчилар ва заҳирадаги жангчилар жумҳурият Ассоциацияси — ўз фаолиятини кўнгилли асосда, Ўзбекистон ССР Қомуси, СССР ва ЎзССР қонунчилиги, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ олиб борувчи ўз ўзини бошқарувчи ташкилотдир.

Кўнгиллилик принципи ўз фаолиятини Ассоциация мақсади ва вазифаларига мувофиқ олиб бораётган ҳар қандай уюшма (байналмилал-жангчи кенгаши, заҳирадаги жангчилар кенгаши, ҳарбий ватанпарварлик бирлашмалари ва бошқалар) Ассоциацияга эркин аъзо бўлиши ёки ундан чиқиб кетиши билан кафолатланади.

Ассоциация фаолиятининг сиёсий кафолати Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасидир.

1.2. Ҳарбий ватанпарварлик бирлашмалари, клублари, байналмилал-жангчилар кенгаши, заҳирадаги жангчилар кенгаши ва бошқа бирлашмалар аъзолари қарори билан Ассоциациянинг жумҳурият кенгашига (байналмилал-жангчиларнинг вилоят кенгашида тасдиқланган) ҳужжат юбориш ва ундан белгиланган тартибдаги ҳужжат олиш Ассоциацияга аъзо бўлишни билдиради. Ассоциацияга аъзолик ҳужжатини жумҳурият кенгашига қайтариш жумҳурият Ассоциациясидан чиқишни билдиради.

1.3. Ассоциация СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият олиб бориши мумкин, ўз ишини Ассоциация кенгаши ёки конференциясида тасдиқланган узоқ муддатли ёки қисқа муддатли программалар асосида ўз-ўзини бошқариш, демократия, коллегиалчилик, ошкоралик принципларидан келиб чиқиб жамоа фикри билан ҳисоблашиб олиб боради. У манфаатдор ижтимоий ва давлат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, меҳнат ва жангчилар жамоалари, оммавий ахборот воситалари кўмагига таянади.

1.4. Ассоциацияни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат Ассоциация қурултойи томонидан қабул қилинади.

II. МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ассоциация аъзолари кучини қайта қуриш вазифаларини бажаришга йўналтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини жамоат ташкилоти сифатида Ассоциациянинг, Ассоциациядан кўрсатилган СССР, Ўзбекистон халқ депутатларининг қонунчилик ташаббуси орқали ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

улғаяётган авлодни ватанпарварлик ва баайналмилалчилик руҳида тарбиялаш ва ёшларни ҳарбий хизматга, меҳнатга тайёрлаш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашда байналмилал жангчилар ва заҳирадаги жангчиларнинг фуқаролик фаоллигини ошириш;

тарбияси қийин ўсмирлар ва норасмий уюшмалардаги ёшларни ҳарбий ватанпарварлик клубларига тортиш, жамоат тартибини сақлаш, ўсмирлар ўртасида қонунбузарликларга йўл қўймасликка ҳисса қўшиш;

ҳарбий ватанпарварлик ҳаракатига тааллуқли давлат ва жамоат программаларини ҳаётга тадбиқ қилишда қатнашиш, жумладан, шўро фуқароларининг байналмилал вазифалари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш, армия ва халқ бирлигини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизмат обрўсини ошириш;

заҳирага ажратилган ҳарбийларга оддий ҳаётга кўникишга ёрдам бериш, турли хил масалаларни ҳал қилишда уларга кўмаклашиш, байналмилал-жангчилар, ногиронлар, ҳалок бўлган жангчилар оилаларига қонун бўйича белгилаб берилган имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланишга ёрдам бериш, ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш;

байналмилал-жангчилар, заҳирадаги жангчиларни тиббий ва ижтимоий жиҳатдан оёққа қўйиш программаларини амалга оширишда қатнашиш, жумладан, шахсий жамғарма ҳисобига;

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда байналмилал-жангчилар, заҳирадаги жангчилар, ҳарбий ватанпарварлик бирлашмалари кенгашлари бошлиқларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, байналмилал ватанпарварлик ҳаракати доирасида излаш ишлари олиб бориш;

СССР ҳукумати қарорларига мувофиқ моддий базани, Ассоциациянинг хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятини мустаҳкамлаш;

III. АССОЦИАЦИЯНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

3.1. Ассоциациянинг олий органи қурултойдир. Унда Ассоциация кенгаши, раис ва бюро аъзолари сайланади. Ассоциация қурултойи 3 йилда камида бир марта ўтказилади. Ассоциация кенгаши ҳар кварталда камида 1 марта чақирилади. Кенгаш таркибига қуйидагилар киради:

— жойларда сайланган вакиллар — байналмилал-жангчилар ва заҳирадаги жангчиларнинг вилоят кенгаши, катта шаҳар кенгашларидан биттадан вакил, бюро аъзолари, шунингдек, таъсисчи ташкилотлар вакиллари.

3.2. Кенгаш ваколати муддати — 3 йил. Кенгаш ўз таркибига қўшимча аъзолар киритиши ёки делегат юборган ҳудуд ва ташкилот билан келишиб, аъзоларни чақириш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин;

3.3. Кенгашга қурултой ўтказиш муддати ва тартиби, вакиллар сонини белгилаш ҳуқуқи берилган. Буни кенгаш қурултойдан 2 ой олдин белгилайди;

3.4. Кенгашнинг ижрочи органи Бюродир. Унинг таркибини кенгаш белгилайди. Бюро раиси кенгаш таркибига киради.

3.5. Кенгаш структураси, унинг аъзолари вазифалари узоқ муддатли ҳаракатномалар мақсади ва вазифаларига мувофиқ Ассоциация кенгаши мажлисида аниқланади;

Ўз ишида аъзоларнинг 3/2 қисми қатнашган, ҳолдагина кенгаш қарор қабул қилиши мумкин. Қарорга мажлис қатнашчиларининг 3/2 қисми овоз берсагина, у қабул қилинган ҳисобланади. Мазкур Низом ва Ассоциация Уставига ўзгаришлар ҳам худди шу тартибда киритилади.

3.6. Кенгашдан чиқиш масаласи ёки 3.5. пункти асосида ёки аъзони делегатликка сайлаган ташкилот қарорига мувофиқ ҳал қилинади.

3.7. Ассоциация кенгаши: ўз ишини бутун байналмилал ватанпарварлик ҳаракатининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб олиб боради;

ўз фаолияти жараёнидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар билан мустақил, шунингдек, ўз вакиллари орқали давлат ва ижтимоий ташкилотларга чиқади;

адвокатлар ҳайъати даражасидаги ҳуқуқ хизматини ташкил қилади;

Ассоциация аъзолари талабига биноан ўз фаолияти ҳақида талаб тушган кундан бошлаб бир ой ичида ҳисобот топширади;

IV. АССОЦИАЦИЯНИНГ МУЛКИ ВА МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

4.1. Ассоциациянинг пул маблағлари қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

жамоат ва давлат ташкилотлари, вазирликлар ва идоралар ажратаётган маблағ ҳисобига;

Ассоциация аъзоларининг шахсий аъзолик бадаллари ҳисобига; Ассоциация жамоа аъзоларининг меҳнат жамоаларининг жумҳурият вазирлиги (идораси) жамғармасига ажратиладиган йиллик солиғининг 0,5 фонзи ҳажмидаги аъзолик бадаллари ҳисобига, бошқа ҳолларда бадаллар ҳажми шартномага биноан белгиланади;

Ассоциация аъзолари корхона, муассаса, ташкилотлар билан шартнома тузиб, бажарган ишлари эвазига олган маблағлари ҳисобига шунингдек, якка ҳолда ёки ҳамкорликда ўтказган тадбирлари, ширкатлар, концертлар, лекциялар, бадиий ҳаваскорлик кўргазмалари ўтказишдан тушган маблағ ҳисобига;

фуқароларнинг кўнгилли бадаллари, клуб (бирлашма), байналмилал-жангчилар кенгаши, заҳирадаги жангчилар кенгаши маълум вазифаларни бажаришга ажратган маблағлари ҳисобига;

бошқа турли тушумлар ҳисобига;

4.2. Ассоциация моддий базаси қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар бепул берган шунингдек, қонун билан белгиланган тартибда Ассоциация маблағига ижарага олинган ёки сотиб олинган хоналар, ускуналар, мулк, мосламалар ва бошқа моддий бойликлар ҳисобига;

4.3. Пул маблағи ва бошқа мулкка Ассоциация кенгаши мазкур Низом ва амалдаги қонунларга мувофиқ эгалик қилади;

4.4. Пул маблағлари смета доирасида бир марта сарфлаш ҳажми чегараланмаган ҳолда нақд пул ёки насия йўли билан сарфланиши мумкин.

4.5 Моддий манфаатдорлик, ишнинг таъсирчан ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида Ассоциация фаолиятида фаол қатнашаётган аъзолар, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилот, меҳнат жамоалари ҳамда алоҳида шахсларни тақдирлаш жамғармаси тузилади.

4.6. Ишчилар штати ва улар меҳнатига қанча маош тўлашни Ассоциация кенгаши Ўзбекистон ССР Меҳнат Давлат Қўмитаси билан келишиб белгилайди.

4.7. Жорий йилда ишлатилмай қолган маблағ келгуси молиявий йил сметасига киритилади.

4.8. Барча молиявий ҳужжатларга Ассоциация раиси (у йўқлигида унинг муовини) ва бош ҳисобчи ёки Ассоциация кенгаши томонидан бу ишга ваколатланган шахс қўл қўяди.

4.9. Мазкур низом тасдиқланган вақтдан бошлаб кенгаш расмий ташкилот ҳисобланади. У ўз банклари, тамғалари ва белгиланган нусхадаги герб туширилган муҳрига эга бўлади. Ўз вазифаларига ва СССР, ЎзССР, қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ у мулк олиш ёки бериш, турли хил шартномалар тузиш, ҳуқуқий актлар қабул қилиш, суд ва арбитражларда жабрланувчи ёки жавобгар сифатида қатнашиш, судда Ассоциация аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бюро белгиланган тартибда ҳисобга олади, тасдиқланган шакллар юзасидан йиллик ҳисобот тузиб, уни кенгашга тасдиқлашга топширади. Кенгаш эса Ассоциация ҳаракатномаларини маблағ билан таъминловчи манфаатдор ташкилотларга ахборот бериб беради.

4.10. Ассоциациянинг молиявий-хўжалик фаолиятини Ассоциация қурултойида сайланган тафтиш комиссияси назорат қилиб боради.

УЗБЕКИСТОН ССЖ БАЙНАЛМИЛАЛ-ЖАНГЧИЛАР ВА ЗАҲИРАДАГИ ЖАНГЧИЛАР АССОЦИЯЦИЯСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

9 декабрь, 1989 йил.
Тошкент шаҳри.

Уруш хотиралари



Улуғ Ватан уруши халқларимиз бошига не-не кулфатлар, ғам-аламлар солди. Бу уруш ҳақида қанчалаб китоблар битилди, кинофильмлар яратилди. Даҳшатли урушнинг барча азоб-уқубатлари, шаҳид кетган йигирма миллиондан кўпроқ ватандошларимиз кўрсатган жасоратлар ҳақида қанча ёзилса, шунча оз. Қонли талотумларда ўзбек халқининг ҳам жасур ва фидойи фарзандлари жон олиб, жон бердилар. Улар орасида Тошкент Давлат дорилфунунининг профессори, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Бердиали Имомов ҳам бор эди. Унинг ўз қуролдошлари босиб ўтган жанговар йўллар ҳақида ёзган очерк, ҳикоя ва ҳажвиялари китобхонларга таниш.

Қуйида биз Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, профессор Бердиали Имомовнинг Берлин кўчаларида бошидан кечирган хотираларини таҳрирсиз эълон қилаяпмиз.

СЎНГГИ ҲУЖУМ

ТАРИХга 1945 йилнинг апрель ва май ойлари — Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида қозонган оламшумул Ғалаба баҳори бўлиб кирди. Ғалабага ўзбек халқи фарзандлари ҳам муносиб улуш қўшдилар. Уларнинг жанговар сафларида она халқим зарраси сифатида мен ҳам қурол тутган эдим...

Урушнинг ҳал қилувчи дақиқаларида бошдан кечирганларимни қоғозга тушириш ниятида СССР Мудофаа министрлигининг Подольск шаҳридаги марказий архивидаги материаллар билан танишар эканман, 79-гвардиячи ўқчи дивизиямиз босиб ўтган жанговар йўллар, сафдошларим қаторида ўтказган кунларим бутун даҳшат ва қувончи билан жонланди...

***

...Берлиннинг шаҳар чизиғини қисмимиз 23 апрель тонготарида кесиб ўтди. Биз алоқачиларга доимо юриш маршлари ёки бўлғуси операциялар олдидан дивизия миқёсидаги барча полк ва бошқа қисмларнинг ҳаракати йўналишига тегишли маълумотлар етказиларди. Жанглар шароити тақозосига қараб, бир полкдан иккинчисига алоқа симларини тортиб кетаверардик. Маълумот бўйича, дивизия қисмлари Белендорор, Эггенсдорф, Шенфельд, Номенюль, Кинбаум маршрутлари бўйича жанг қилиб, Тельтов бўйлаб шарқи-жанубдан, Букков, Рудов шоссе-катта йўллари сари интиларди. Бу жойлар Берлин марказига нисбатан унинг жанубий районлари сирасига кирарди. Биз бу оралиқда, асосан 220-ўқчи полкка алоқа етказиб турдик. Дастлаб қисмларимиз ҳужуми шиддатини душман тўхтата олмаганидан запасга ўтиш ва орқароқда юриш навбати тез-тез келиб турди.

Бугун 25 апрель. Оёқларимиз остида Берлин кўчалари. Кета туриб, ҳужум олдидан машғулотларда шаҳар тўғрисида айтилган маълумотларни хотирамда тиклайман: Берлин 1307 йилда икки қишлоқ — Кельн ва Берн аҳоли пунктлари қўшилишидан пайдо бўлган. Шундан бери неча бор ҳарбий аланга ўчоғига айланди. Шаҳар шарқдан ғарбга 45 км. масофага чўзилди. Биз бораётган жануби-шимол томони анча тор—бор-йўғи 13 километр, шаҳар йигирмата маъмурий районга бўлинади, аҳолиси 2,5 миллиондан ортиқ бўлиб, асосан, немислардан иборат.

Иккинчи эшелондагилар қаторида Коровин бошқариб бораётган арава ёнида атрофдаги аксари тўрт-беш қаватли биноларни кўздан кечираётиб, хаёлим қочади: мактабдалигимда, урушдан аввал қайсидир китобда ўқиганим, ундаги «Берлин — мудҳиш шаҳар» деган ёзув лоп этиб ёдимга тушди. «Қаранг-а, кўпчилик биноларнинг гунгурт ранги нохуш, ғуссали кайфият туғдирса, иккинчи қаватлардаги балкон барьерларнинг қурол отиш учун махсус туйнук ва ёриқлар қолдириб ишланганлиги мудҳиш манзарани баттар бўрттиради. «Тавба, ора-чора учрайдиган, бундан юз йил ва ундан ортиқ аввал қурилганлиги деворларида қайд қилинган оппоқ биноларнинг иккинчи қаватларида ҳам шундай мудҳиш барьер — балконлар бор-а, бу деймаи, ўша вақтлардаёқ шаҳар кўчаларида жанглар бўлишини кўзда тутишган экан-да, немислар?». Улар шаҳмат тахтаси шаклида тушганидан кўчалар ғоят кўп, тўғри ва аччиқ ичакдек узун-тиккага юравериб тинканг қурийди. Биноларнинг юқори қаватларидаги деразалардан мато ва чойшаблардан йиртиб қилинганқ сезилиб турган оқ байроқ ва байроқчалар пастга эгилинқираб осилиб турибди. Улар таслим бўлганлик, ярaш-ярашга чақириш-ёлвориш тамғаси. Илло, байроқларда бирор мамлакатга, элюртга мансублик белгиси йўқ. Бундай ҳол забунликка, мусибатга, ўзгалар тинчлигини, эркини оёқ ости қилиб, ҳукмронлик жазавасига тушиш оқибатидан келган фожиага, хўрликка ишора, деган фикр кечади кўнглимдан...

Ҳар замонда сим билан ўралиб, қозиқларга михланган тўртбурчак тахтачалардаги «минен» деган немисча ёзувлар учрши демаса, ҳамма ёқда, йўл кўрсатувчи стрелкаларда русча сўзлар, шиорлар пайдо бўлганди. Чорраҳаларда қизил-сариқ-яшил рангларда байроқчалар тутган, ҳарбий кийимдаги регулировчи хушрўй қизлар. Улар чапдастлик билан ҳаракатни изга солишяпти. Бу паричеҳраларни кўриб, «оғзи сув очган» айрим аскарлар тегинчаклик қилиб гап «отишади», зимдан бир-бирларига им қоқ қилишади. Аммо ўз вазифаларига сервар қизлар бепарво. Баъзи шаддотлари эса «йўлингдан қолма, чорраҳани тезроқ бўшат!» деган кўнгилда хўмрайиб қўйиб, биз кетаётган Берлин ичкариси сари ўқталиб тутган байроқчаларин силтаб қўйишади. Йўл-йўлакай фашистларнинг қуллик сиртмоғидан озод қилинган совет қиз-жувонлари тўдалари хуррам чеҳраларда бизларга қарата қўл силкишиб, ортга, она юрт сари қадам ташламоқда. «Бундай кунларга бизлар етадиган вақт ҳам яқинлашмоқда» — қалбим ўртаниб, уларга ҳавас билан тикиламан...

Берлин кўчаларидан унинг юраги — Рейхстаг ва ҳукумат квартали, гестапо жойлашган майдонга яқинлашганимиз сайин ҳар бир бино учунгина эмас, балки подъезд ҳамда қаватлар учун ҳам жанг борди. Бир бинодан иккинчисига телефон аппаратларини кўчириш оғир, машаққатли, баъзан ҳалокатли ҳолларда амалга ошди. Бугун буйруққа кўра эрта билан олға силжиган бўлинмаларимиз ортидан алоқа тортишга ўтдик. Жон ҳовучлаб бинолар тагидан, уларга ёпишиб, писиб, аридек виз-виз учаётган ўқларга аранг чап бериб, олти қаватли бинога кабел тордик. Шерикларимни жойида қолдириб, биринчи қаватдаги хона ичини кузатиб қайтаётсам, автомат «тир тир»и эшитилди. Хонадан отилиб чиқсам, Канаш, Вистман вой-войлаб турган Юрий Горбуновни четроққа олиб ўтиб чап билагини бинт билан боғлаш ҳаракатида унинг гимнастёркаси енгини шимаришарди. Вистма «Ну, гад, ти погоди!» (шошмай тур, аблаҳ!) деди-да, автоматини қўлига олиб, зиналардан юқори қаватга чопа кетди. Унинг ортидан мен ҳам югурдим. Иккинчи қаватга кўтарилиб, қаёққа юришни билмай қолдик. Тез ҳаракат қилинмаса, бирор туйнукдан ўқ узиб саранжомлаши ҳеч гап эмас. «Юрий, сен ўнгга!» дедиму, чап томонга ташландим. Вестибюлдаги йўғон ва трубадек юмалоқ устун панасида туриб, лимондек ҳамиша чўнтакларимизда асраб-авайлаб олиб юрадиганимиз «Ф—1» граната халқасини тишим билан суғириб, ўзини коридорга улоқтирдим. Портлаш зарбидан кўтарилган чанг-тўзон босилмасидан ичкарига шўнғидим. Эшиги қўпорилиб, тушган хона остонасида инграб ётган чалажон фашист жасади устидан ҳатлаб ўтиб хонага кирдим. Ҳеч зоғ йўқ. Ойналари чил-чил синиб кетган деразадан гир атрофдаги бинолар кўриниб турибди. Аста синчиклаб кузатаётиб, мен турган бинога нисбатан тескари «Г» шаклида бурилган қаватларнинг биридан отилаётган қуролдан таралган тутунни пайқаб қолдим. Автоматли фашист солдати тўртинчи қават барьеридан белигача пастга осилиб олиб, ердагиларга қарата ўқ узарди. Шоша-пиша «ППШ» автоматимни унга тўғрилаб туриб, сидра-сидра ўқ уздим. Барьердаги гавда бир депсингач, автомати тушиб кетди, унинг кетидан кўнгилга урар даражада нохуш туйғу уйғотувчи кўк мовут кийимли жасад ҳам осмондан отиб туширилган қузғундек пастга шўнғиди. Теварак-атрофда бошқа хавфли шарпа илғанмагач, изимга қайтдим. «Вистманга бирор гап бўлмаган бўлсин-да». Шу хавотирда пастга тушсам, у икки фашистни асир қилиб олиб келибди. Вистман ўз одатича отишмалар сурони остида старшина Канашга бидирлаб-бақириб гап уқтирарди. Уни кўриб кўнглим жойига тушди. Уларга яқинлашиб разм солсам, асирлар тебраниб, оёқларида аранг турибди — иккаласи ҳам ғирт маст, кулгим қистади, ўларча ичиб олиб, алмойи-алжойи туришидан нафратим қўзиди.

— Қаердан топа қолдинг бу алкаш чўчқаларни? — дедим энсам қотиб Вистманга, — юракларига далда бериш учун ютиб олишибди-да гитлервачча «шоввозлар».

— Улар кўринишдан шунақа, қўлига автомат тушиб қолса борми, туққан онасини ҳам аяшмайди.

— Йўқот искирт алкаголларни, — деди Канаш, — кўчани кузатиб турсанг, асирларни олиб ўтишади — ўшаларга қўшиб юбор.

Телефон кабелини мен боя кузатиб чиққан хонага тортиб, орқадагилар билан боғланишдик. Рота командири ҳозироқ бу ердан олға ўтишни, линияни яна бир квартал наридаги бинога етказишни буюрди.

Телефонни узиб, нарига тортиб кетишдан аввал, одат бўйича, алоқа ротаси командири билан уландим.

— Алло, «Катюша», мен «Волгаман», «Волга», эшитаяпсанми, мен жойимдан қўзғалаяпман, алоқани узаман.

— «Волга», сабр қил, ҳозир, — жавоб бўлди нариги томондан, — сен Имомовмисан? — сўради рота командири.

— Ҳа, мен.

— Яхши, ундай бўлса сен қўшни қисм «бешинчилар»нинг жанг қилаётган қаноти дислокацияси (жойлашиш ва ҳаракат қилиш линияси)ни билиб қайт, улар билан алоқа ўрнатасизлар.

Кўчалар номлари кўрсатилган ёзувларга транспарантларга аланглаб қараб, уларни ўқиб кетавердим. Илгари ҳар қадамда «Берлин блайбт дойч» (Берлин немисларники бўлиб қолади) деган ёзувли транспарантлар заҳарли қўзиқоринлардек кўзга қадаларди. Энди улар анча камайибди, қисмларимиз эгаллаган кўча ва чорраҳаларда бошқача мазмундаги ёзувлар пайдо бўлибди: «Ди Ҳитлер коммен унд геҳен» (Гитлерлар келади ва ўтиб кетади). Айрим биноларнинг деворларида ичига илон кириб кетган одамдек бошини ерга қаратиб, оёғини осмондан қилиб осилган Гитлернинг улкан-улкан дабдабали портретлари диққатни тортади. «Гитлернинг ўзи шу суратларини бир кўрсайди...»

Берлин марказига яқин районда жойлашган ва улкан территорияни эгаллаган Тиргартен (зоология боғи)нинг шарқий жануби яқинидан чиқиб, қўшнимизни чўтлаб, хавф-хатар камроқ жойлардан ўтиб кетавердим. Гапнинг очиғи, хавфсиз жойларнинг ўзи йўқ. Шаҳар кўчаларида, биноларда кетаётган жангларга сафарбар қилинган ўн олти ёшли гитлерчи ўсмирлар (Гитлерюгенд) чордоқларга бекиниб олиб шикаст етказишарди. Отишмалар бўлса, тинимсиз давом этади, ҳаммаёқ гувиллайди. Беллевю штрассега яқинлашганимда, бир мудҳиш фожиага дуч келдим. Олти қаватли бино яқинида 120 ммли баҳайбат, ствол-трубаси устундек йўғон полк минометимиз расчети қуролларини жангга ҳозирлашарди. Тўсатдан икки минометчи яқинида лов этган олов кўтарилиб, жангчилар зумда кўздан ғойиб бўлишди. Орадан салгина вақт ўтгач, юқори қаватдан уч-тўртта Гитлерюгенд ҳарбийларни асир қилиб ҳайдаб тушишди. Улар тепадан фаустпатрон отишибди. Бояги икки совет минометчиси ўша заҳотиёқ куйиб-эриб ерга сингиб кетибди...

Қўмондонликдан Берлин марказига ҳужумни кучайтириш ва тезлаштириш тўғрисида топшириқ келиб, вазият ўзгарди ва 29 апрель куни эрталабдан олдинги линияни алоқа билан таъминлашга киришдик. Марказга яқинлашилган сайин Берлин халқаси кичрайиб, қўшинларимиз тиғизлиги тобора ортарди. Кўчаларнинг тиқилинчлиги алоқа билан таъминлашни мушкуллаштирарди. 220-полк ҳужумлари ортидан сим тортиб, Темпелхоф, Хеппкерштрассе, Нойманштрассе, Штейметцштрассе кўчаларини кесиб ўтиб, Шпрея дарёсига туташувчи Ландвер каналнинг жанубий қирғоғига яқинлашдик. Полк бўлинмалари Ландвер каналини Викторияштрассе ва Потсдамерштрассе кўчаларини туташтирувчи иккита кўприкдан ўтишлари зарур эди. Бу вақтда қўшни 216-полк Левенхордамм, Эйлаунштрассе, Монументельштрассе районлари маршрути бўйича олға силжиб, тонготар чоғида Люденрдофштрассе районида бошланажак ҳужумга шай бўлиб турганлигини телефондаги суҳбатлардан билиб олдим.

Эртасига тонгда Ландвер канали яқинида ҳаракат қилаётган бўлинмалар жойлашган сербино кўчаларни оралаб кабель торта кетдик. Шаҳар шароитида илгаригидек, далалардагидек линияни солқа қилиб тортиш уни тез ишдан чиқарарди. Чунки кўчалар шу қадар тирбандки, оёқ босиш учунгина эмас, дафтар устига тушириладиган бир чизиқчалик линияни таранг қилиб тортиш учун ҳам бўшхолироқ жой топилмасди. Илгари танклар олдида ҳужум қиларди. Энди бўлса, кўчаларда имиллаб, тир-тирлашиб ўрмалаётган азамат ва ҳайбатли танкларимиз пешида автоматчилар боришяпти. Улар тинимсиз ўқ узиб, танкларга йўл очишяпти. Бу — кўча жангларининг талаб тақозоси бўлиб, йўлларга қўйилган миналардан, фаустпатрончиларнинг бинолар қаватидан қўққисдан бўладиган ҳужумларидан ҳарбий техникамизни эҳтиётларди. Танкчилар ҳам қарздор бўлиб қолишмасди — пиёда аскарлар йўлига тўсиқ бўлувчи баррикадаларни босиб ўтишди, душманнинг ўт очиш нуқталарини, темир-бетон қалпоқли, айланма мудофаага мўлжалланган, кичик ўтовга ўхшаш истеҳкомлари ҳамда устки қаватлардаги газандаларнинг кулини кўкка совуриб йўл очишда иш беришяпти. Биз алоқачилар эса уларнинг ўзаро баҳамжиҳат, якдил бўлиб, мақсад сари дадил боришларини таъминлаш пайидамиз. Ён қўшнилардан, бошқа қўшин турлари аҳволидан, ҳужумидан бехабар, улар билан алоқасиз қисмнинг тўрқовоққа тушиб ва гангиб қолган беданадан, сезгиси ишдан чиққан бемор киши ҳолатидан фарқсиз. Бу ҳол алоқачилар масъулиятини оширади, тезкор ва ҳамиша ҳушёр туришга ундайди. Берлин кўчаларида, айниқса, улар кесишадиган нуқталарда, уй-бинолар ўрталарида кабелнинг узилмаслигини таъминлаш ниҳоятда оғир кўчарди. Илашиб узилиб кетмаслиги учун кабелни дарахтларга илишга, столбадан столбага тортишга, қайта ерга тушириб, бетон ариқлар ичидан ўтказишга, биноларнинг цоколлари тубига маҳкамлашга тўғри келарди. Бундай мажбурий имиллаш алоқачиларни душман снайперларига нақд «ўлжа»га айлантирарди.

КУН ЧИҚИШИГА яқин шарқ билан ғарб йўналишидаги Унтер ден Линден, жануб-шимол йўналишидаги Герман Геринг штрасседан унча олис бўлмаган кўчаларнинг бирида, столбага кабель боғлаётганқ пайтда алоқачи, комсомол аъзоси Пантелеев оғир яраланди. Хайриятки, тротуардан асфальтни уйиб, станина тирноқларини ўрнатишган 76 ммли тўп артеллериячилари ёрдамга келишди ва тахмин қилинган биноларга қарата ўт ёғдириб, душманнинг адабини беришди...

Бердиали ИМОМОВ.

Ёшлар ижоди

ДИЛГА ТУТАШ ОҲАНГ

Оқшом тушиб, ишдан ҳориб-чарчаб қайтаман. Кела солиб, радио қулоғини бурайман. Қўшиқ янграяпти:

Малагим оҳу кўз бирлан,
Мени ҳайрон этиб кетдинг.
Ўтли нозу қарашлар-ла,
Дилим вайрон этиб кетдинг.

Ҳар гал бу қўшиқни тинглаганимда хаёлот денгизига кўмиламан. Бор вужудим билан берилиб эшитаман, қўшиқни. Асабларим юмшайди, руҳим енгил тортади.

Севги, ишқ, муҳаббат тараннум этилган қўшиқларни Шомаҳмуд ака ўзгача бир дард билан, маҳорат, эҳтирос билан куйлайди. Муҳими, унинг қўшиқлари сизнинг юрагингизда ўчмас из қолдиради.

Санъат олами кенг. Бу даргоҳга ҳар ким ўз сози, овози билан кириб келади. Ёш хонанда Шомаҳмуд Шораҳмедов ҳам эндигина санъат остонасидан ҳатлаб, бу оламга дадил қадами билан кириб келмоқда. У санъаткор оиланинг фарзанди. Отаси Шонеъмат ака Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси қошида ташкил этилган уйғур дастасида хизмат қилган устоз ҳофизалардан эди. Шомаҳмуд 3-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ пойтахтдаги Т. Содиқов номли 1-мусиқа мактабида таълим ола бошлади.

— Саккизинчи синфни битираётган эдим. Устозим Худойберди ака мени ҳузурига чақириб, Ҳамза номидаги билим юртида ўқишни давом эттиришимни маслаҳат бердилар,— хотирлайди Шомаҳмуд ака.— Устозимнинг ўгитларига амал қилдим. Билим юртини тугаллаб, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига қашқар рубоби мутахассислиги бўйича ўқишга кирдим. Ҳозир ўзим таълим олган даргоҳда ўқитувчи бўлиб ишлаяпман.

— Шомаҳмуд ака, Сиз қўшиқ яратишда асосий эътиборни нимага қаратасиз?— сўрайман.

— Қўшиқ яратиш албатта ҳар қайси хонандада ҳар хил кечади. Баъзилар аввал куйни яратиб, сўнг унга мос шеър қидирадилар ёки аксинча. Мен кўпроқ китоблардан шеър излайман. Танлаган шеъримга куй басталашда асло шошилмайман. Шеърни қайта-қайта такрорласам, хаёлимга ўз-ўзидан мусиқа оқиб келаверади. Ҳозирча барча қўшиқларимга ўзим куй басталаяпман. Лекин, келажакда бастакорларимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Сизнинг аксарият қўшиқларингиз фақат миллий чолғу асбоблар билангина ижро этилган. Бунинг сабаби нимада?

— Бунинг битта сабаби бор. У ҳам бўлса, устоз санъаткор ҳофизларимиз томонидан севиб ижро этилган классик қўшиқларнинг таъсири. Классик қўшиқларни севиб ижро этиш билан бирга, борлиғим билан берилиб тинглайман ҳам. Улардан илҳом оламан. Чунки бу қўшиқларда ҳам қувонч, ҳам дард бор. Фақатгина буни ҳис қила олиш керак, холос.

— Инсондаги қайси фазилатларни ардоқлайсиз?


— Ҳар бир инсон, у қандай касбда бўлишидан қатъи назар, халқимизга чин дилдан хизмат қилишини истайман. Ҳалол, покиза, камтар ва хушмуомала одамларни ҳурмат қиламан.

— Ҳар бир инсон орзусиз, эзгу-ниятсиз яшай олмайди, келгусидаги режаларингиз қандай?

— Орзуларим чексиз. Халқимизга манзур бўладиган янги-янги қўшиқлар яратиш.

Истеъдодли хонанда, «Камолот-89» конкурси совриндори Шомаҳмуд Шораҳмедов ҳақидаги ҳикоямизни тугатар эканмиз, унга орзуларингиз рўёбга чиқсин, деймиз.

Матлуба МАҲКАМОВА.



Кўлда

Жўра БОБОРАҲМАТ суратлавҳаси.

Бепоён менинг Ватаним



Челябинск
тиббиёт институтининг
болалар жарроҳлиги,
ортопедия ва травмотология
кафедраси мудири
профессор Лев Борисович
Новокрешченов
ва унинг ёрдамчилари
1,5 соат давомида
сиам эгизакларини ажратиш бўйича
мураккаб операцияни
амалга оширдилар.
Эгизакларда айрим аъзолар
умумий бўлишига қарамай,
жарроҳлик муваффақиятли ўтди.
СУРАТДА:
Вера Коркина
қизлари Таня ва Аня билан.

* * *

Львовдаги
«Поляран» ишлаб чиқариш бирлашмаси
электровакуум ва лазерли ускуналарни
ишлаб чиқариш бўйича
мамлакатда етакчи ўрин тутади.
Корхона маҳсулотининг
салмоқли қисми
Польша, Венгрия, Чехословакия
Югославия сингари
хорижий мамлакатларга жўнатилади.
СУРАТДА: синовчи Оксана
Крупа «Гелиос» номли
янги саёҳатчилар фонарини
намойиш қилаётир.

ТАСС суратлари.



Ахлоқ мавзуида

«БЎЙИМДЕК БЎЙ ТОПДИМ...»

«Мен учинчи гуруҳ ногиронман. Иш йўқлиги боис, бекорчиман. Гап бу ҳақда эмас. Ўтган йили Ҳазорасп ноҳиясининг Мухомон қишлоғилик Гавҳар исмли қизга уйлангандим. Тўйга оз харажат чиқмади. Биргина келин бўлмишнинг ўзига уч минг сўмлик кийим-кечак қилдиришди. Майли, қарз-ҳавола билан бўлса-да, оилалик бўлдим, деб севиндим. Касалванд ота-онамнинг қувонганини айтинг. Аммо, илк тўй кечасиёқ ҳаммаси хом хаёл бўлиб чиқди...

Эртасига онаси келиб, қизининг айбини бўйнига олди. Уйга борса акалари устига бензин сепиб, ўт қўйдилар, бу ақлсизни деб йиғлаб-ёлворди. Қизга раҳмим келганидан ҳамда харажатларга ачинганимдан ёпиғлиқ қозонни ёпиғлигича қолдиришга жазм этдик. Афсус...

Бир ойча тинч-тотув яшадик. Кейин, «айбини» бўйнига олиб, тиз чўкиб ёлворган қиз ўзгарди-турди. «Кетаманга» тушди. Ва йўқ ердан жанжал чиқазиб, уйига кетиб қолди. Орага кимлар тушмади. Унга айбини шу йўл билан ювиш керак экан, ниятига эришди. Аммо, эл-юртга ош тортган, катта чиқим қилган ота-онамнинг айби нима? Бирорта нарсани ҳам қайтиб беришгани йўқ.

Тўйдан олдин учрашганимда, суҳбатлашганимда қанчалар севинган эдим. Афсуслар бўлсинким, қизларга ишониб бўлмас экан...»

Боғотлик Фарҳод Давлатовнинг шикоят хати алам билан тўлиб-тошган. Йигирма яшар йигитни алдаб, ўзининг шум ниятига эришган Гавҳар яна кимларнингдир «бўйига ошиқ бўлиб», кўнглини яралаб кетмайди, деб ким кафолат беради?

Иккинчи хат мазмуни билан танишсак. Зеро воқеалар ўхшаш. Фақат бу ерда йигит — тошбағир, қиз — жабрдийда. Гулнора билан Холмурод олий ўқув юртининг учинчи курсида топишишган. Севишганлар ўртасида нима бўлиши мумкин бўлса, бариси бўлиб ўтган. Юлдуз санашлар, бедор тунлар, шеър ёзишлар, аҳду-паймонлар... Ҳамма—ҳаммаси. Ва албатта бу «ўлдим-куйдим»ларнинг қонуний якуни — бахт тўйи ҳам. Тинчгина яшаб кетишган. Ярим йил, бир йил, бир ярим йил...

Кейин қозихонама-қозихона сансиғишлар, кўз ёшлари, жажжи чақалоқнинг касалликдан боши бўшамаслиги, гина-кудрат, куда томонларнинг икки томонлама тўхтовсиз жангужадали...

Бош айбдор — қачонлардир «юлдузи юлдузига мос тушганидан» фол очган йигит бир четкада. Ўзини фаришта қилиб кўрсатади, онт ичади, севиб олган ҳалол хотинини бузуққа чиқаради. Қачондир ким биландир ушлаб олганини... тўқийди. Аммо бош иллат — бошқа бир қизни севиб қолгани, унга ваъдалар бериб, кечалар «юлдуз санашгани»ни айтишга тил бормайди. Айта олмайди ҳам. Севги у минтақада ҳам чегарадан чиқиб бўлган, ўртада фарзанд кутиляпти. Тез кунда биринчи хотинидан қутилмаса аҳволи ночор.

«Менинг айбим нима, — деб ўзига савол беради Гулнора. — Севиб-севилиб турмуш қурганимми, фарзанд кўрганимми? Бировларнинг оиласини бузиб, бахтли бўлишини истаган бузуқи қизларни гўдакларнинг кўз ёшлари урсин...»

Бу масалада фалсафа сўқишдан ўзимизни тутиб турамиз. Яна бир аянчли тақдирга қулоқ тутамиз.

Амударё ноҳиясидаги Юмуртов қасабасида яшовчи Ғулсора Дўсниёзованинг қалб фарёди ҳам «бўйидек бўй топиб, кўнглидек кўнгил топмаганлигида».

У ўн йил муқаддам ўрта мактабни тугатди. Эндор исмли шу ерлик йигитни севди. Севилди. Бир умр бирга бўлишга аҳдлашишди. Икки йилдан сўнг йигитни ҳарбийга чақиришди. Кетиш арафасида эса икки ёш эҳтиросга эрк бериб, «муқаддас» чегара»ни бузишди...

«Кейинчалик бўйимда бўлганини сезиб қолдим. Шармандалик эди бу. Ота-онасига бориб айтдим. Улар ишонишмади. Эндорга бир неча марта хат ёзиб юбордим. Аммо, аввал мужмал жавоб қайтарган бўлса, сўнг умуман алоқани узди... Бу орада бола туғилди. Ўзим бир хил бўлиб, ўлим ҳолатида ётганимда шу ерда ишлайдиган докторлардан бириси «Боламдан воз кечаман» деб ёздириб, қўл қўйдириб олибди. Ёш қизни, тақдир зарбасидан ўзини йўқотган мени тоза алдашган.

Шу сабаб ҳаёт йўлим чалкашиб кетди. Эндор хизматдан қайтгач, ўртада нимаики бор, рад этди, бошқа бир қизга уйланди. Менинг бахтим эса ўша «қонунсиз» фарзанд туфайли вайрон бўлганди. Энди кўз очиб кўрган фарзандим кимда, қаерда эканлигини билсам-да, уни менга кўрсатишни истамайдилар...»

Ғулсора қозихона, ҳукумат, фирқа, шўро органлари эшикларини қоқавериб, ҳамманинг жонига теккан. У фарзандини бағрига босишни ва бир умр тоқ ўтишни истайди. Қозихонадагилар қонун кўрсатмаларига суяниб, буни рад этишади. Кўрсатма, қарор, қонунлар олдида инсон дарди, кўз ёшлари ожиз.

Хивалик Зумрадхоннинг дарди бўлакча. У бир ўғил, бир қиз кўргунча тинчгина бўлиб келган оиласини бузган бошқа бир аёлни лаънатлайди. Собиқ эри ҳақида эса ёмон сўздан ўзини тияди. Аслида ҳамма гап бошқа ёқдалиги... унинг хаёлига келмайди.

«Севиб-севилиб турмуш қургандик-а! Одамлар ҳам шунчалик тошбағир, ваҳший бўлишадими?» Зумрад бу гапларни айтаётганда ўзини йўқотиб қўяди... У билан оиласи, тақдири тўғрисида тинчгина гаплашиш қийин.

Энди қайноқ ёшлиги ортда қолган. Исо пайғамбар ёшига кирган бир тенгқуримизнинг дардларига ошно бўламиз.

«Бунақа бўлади, деб ким ўйлабди. Шу ёшда севиб қолиш — жинниларча севиш. На бола-чақа эсга келади, на бошқаси...»

...Исо пайғамбар бу ёшда — умрининг сўнгги йилида инсонлар кўнглига меҳр-шафқат, оллога ишонч туйғуларини сингдириш йўлида адо бўлиб борарди. Унинг ёлғиз онасидан бошқа ҳеч кими йўқ эди...

«Тўғри, уйландим. Ҳамма қатори. Шундай бўлиши керак эди. Севгими, мактабда ўқиб юрганимизда бўлган. Қизлар билан хат олишардик, киного кирардик. Учрашувларга чиқардик. Аммо, буниси. У пайтдагилар ҳаммаси алдоқчи хаёл бўлган экан...»

...Исо пайғамбар бу ёшида бошоғриққа умрлик дучор, қонхўр Рим диктаторининг вассали Понтий Пилат олдида инсонларни эзгуликка чорлаш ҳақида сўз юритарди. У инсоният тарихига кираётганини билмасди ҳам...

«Болаларим-ку уч нафар, агар ўн нафар бўлганда ҳам ажралишган бўлардим. Менга энди ҳеч нимaнинг фарқи қолгани йўқ! Ҳеч нимaнинг...»

...Исони икки соатдан сўнг дорга хочлайдилар.

Тенгқурим эса узоқ яшайди. Яна севади ҳам. Фарзандлари ортида йиғлаб қолишмайди, уни дорга тортмайдилар. Энг оғир жазо — қонуний ажралиш, тирик етимларнинг нон пулини ҳар ойда бериб туради...

Биз шундай яшаяпмиз. Дор ҳам йўқ, худонинг нафрати ҳам. Ҳеч ким ҳеч кимдан қўрқмайди. Оилалар вақтинчалик эҳтироснинг — бир нозик қараш, бир табассум, бир нозининг қурбони бўлиб бораверади. Қозиларнинг эрталабки иш куни — навбатдаги оила можаросини кўриб чиқишдан бошланади. Йиғи-сиғи, онт — қасам... Эр ҳам ўзича ҳақ, хотин ҳам, қайнона-ю, қайнота ҳам... Ҳамма ҳақ — ҳеч ким жазога лойиқ эмас.

Икки ой давомида ўндан ортиқ оилавий можаро сабаб бўлган шикоят хатларни ўрганиб чиқдим. Бирларига маслаҳат солинди — сукунат билан бош ирғашди. Оилалари тикланди — балки вақтинчадир, балки бир умр. Бирлари маслаҳатга муҳтожмаслигини айтишди. «Ўзим биламан, менинг шахсий ҳаётимга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!»

Кошки шундай бўлса, ҳеч кимга ҳеч бир оила можаросига ҳакамлик қилиш насиб этмаса. Ўзлари билан ўзлари тинчгина юришса.

«Сиз мени тушунишингиз керак. Ҳарқалай кўпни кўрган одамсиз. Хотинимнинг гапларига қарасангиз мени салкам хотинбозга чиқаради. Болаларим насиб этмасин, агар шу ёшгача хотинимдан бошқа бирисининг қўлини тутган бўлсам. Гумон ёмон экан, оиламиз бузилиш арафасида. Икки болага ичим ачийди...»

Бу йигитнинг онтига ишона қолайлик. Кўзлари айтиб турибди — алдаётгани йўқ. Хотини эса унга ишонмайди. Тамом-вассалом. Ишонишни ҳам истамайди. «Менга хиёнат қилди. Шунча йил севдим дегани ёлғон экан. Алданибман. Дугоналаримга мақтаниб юрардим, бир-биримизни тушунамиз деб. Кўз тегди ҳаётимга...»

Асли бу оилага — олти йил аввал бир-бирларига кўнгил қўйишган пайти «кўз тегиб» улгурган. Беш йил ўтмай ўртадаги ишонч, ҳурмат йўқолдими, кумуш тўй, олтин тўй ҳақида хаёл қилишнинг ўзи кулгили...

Урганчлик Малика исмли аёл эри билан етти йил тинч-тотув яшаган. Ўртада болалар бор. Оилада етишмовчилик йўқ. Лекин, ишончга дарз кетишига сабаб — эрининг мастлигида ўйнаши борлиги ҳақида алжираганi. Кейин ҳушига келиб, у ҳамма гапидан тонган, қасамлар ичган. Лекин, кечиккан. Алам устида хиёнатга хиёнат билан жавоб бериш хотинининг фикри-хаёлидан кетмай қолган. Шундай қилган ҳам... Тамом—яна бир «дарз кетган севги».

Оилавий можаро, келишмовчилик ҳақида тўпланиб қолган шикоятларни ўртоқлашгимиз келди. Бу билан бирор шахсни оқлаш, ҳимоя қилиш ниятимиз йўқ. Кексаларнинг ибратли гапларига ишонамиз: «Эр-хотин ўртасига ақлдан озган тушади...»

Мақсад — кимгадир ибрат бўладиган, қайсидир аросат йўлда турган ёш оилани уйлантирадиган, сўнгги айрилиқ қадамини босишдан сақлайдиган бир оғиз гап айтган бўлсак — бахтимиз.

Пайғамбар ёшида «бўйимдек бўй топдим, кўнглимдек кўнгил топмадим» деб кўз ёши тўкиб турганларга... бу гаплар ортиқча.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

10 АВГУСТ — ЖУМА

● **ЎзТВ I**

11.30 «Ҳақиқий эртак». Болалар учун фильм. 12.30 «От учун ярим давлат». Телефильм. 12.50 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм. («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.40 «Болалар ва мусиқа». 19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тилга эътибор». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Тижорат хабарлари. 21.15 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров ижросида ўзбек классик ашулалари. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Дўст». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

18.05 «Салом, қақнус». Телефильм. 18.20 «Иккиёқлама қопқон». Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Инсон манфаатини кўзлаб». Телетомошабинлар саволларига вилоят касаба союз ташкилотининг масъул ходимлари жавоб берадилар (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Самарқанд шаҳрининг «Панжоб»ида меҳмонда. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.50 Тожикистон ССР халқ артисти Борис Нематиев куйлайди.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 9.40 И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 10.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.25 «Шаҳрим мусиқаси». Фильм-концерт («Экран). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.30 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 5-серия. 16.35 «Ксюша ва Компьюша ҳақида». Мультфильм премьераси. 16.55 «Москва ҳақида уч ҳикоя». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 17.15 «Асраб авлодларга етказ». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 18.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «ИИМ маълумотларига кўра». 21.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия 22.50 «Бу бўлган... бўлганди...» 23.10 «Эгизаклар—90» (эгизаклар конкурси). Шоу-программа. 01.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● **МТ II**

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 «Чашмалар». 8.50 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Ферма» (Шимолий Осетия телевидениеси), «Қариялар, сиз кимга тегишлисиз» («ЦСДФ»). 9.20 «Савойеда зиёфат». Бадиий фильм («Таллиннфильм»). 11.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 4-серия.

* * *

16.30 «Меҳр-шафқат, бугун, ҳозирда». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Гурропуто ҳокими». Мультфильм. 18.40 Владимир Спиваков ва «Виртуози Москви». Тольяттида уч кун». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Энг азиз». 19.45 Спорт ҳамма учун. 20.00 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телеконкурси. 2-тур. 22.30 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси В. Петров ўз асарларида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, кўҳна шаҳарларимизнинг меъморий обидаларини завқ-шавқ билан тасвирлайди. Жумҳурият болалар бадиий ижодиёти марказида рассом асарларининг кўргазмаси очилди. Петровнинг ўзига хослиги шундаки, санъаткор у ёки бу манзаранинг «кайфиятини» ёки қадим-қадимда яшаб ижод этган меъморнинг руҳини чуқур ҳис қилади. Муаллиф бир мавзу ва ўша бир кўринишга неча марталаб қайтади, лекин ҳар гал унинг бўёқлари, йил фасллари, ҳис-туйғулар жилоси ўзгариб бораверади. Унинг бир мавзуда турли усулда яратган манзаралари киши кўз ўнгида бутунлай бир бошқа оламни гавдалантиради. Кўргазмага мусаввир қадами етган Россия, Қрим, Болтиқбўйи табиатининг хушманзара гўшалари акс этган асарлари ҳам қўйилган.

***

Сурхондарё вилоятидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалигининг «Қўнғирот» фольклор-этнографик ансамбли дала шийпонлари ва қишлоқ маданият уйларига концерт бергани жўнаб кетди. Концерт программасига халқ қўшиқлари ва рақслари, турли расм-русум, маросимларни акс эттирувчи саҳналар киритилган бўлиб, уларнинг кўпи унутиб юборилган меросимизни ўрганиш ва қайта тиклаш асосида вужудга келган халқ қўшиқлари ва рақсларидир. Жамоа раҳбари К. Жўраевнинг айтишича, ансамбль муваффақиятининг сири доимий изланиш, халқ ижодиётига бўлган меҳр-муҳаббатдадир.

* * *

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс дастаси Украина сафаридан қайтиб келди. Даста Львов, Ровно, Хмельницкий, Славутда катта концерт берди. Ансамблнинг концерт программасига ҳарбий мавзудаги асарлардан ташқари ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари ҳам киритилганди. Даста Украина сафарини тугатгач, Москвага ҳам борди. Улар Москва ҳарбий округининг гарнизонларида — Ўрта Осиёдан чақирилган ёшлар хизмат қилаётган ерларда концертлар беришди.

* * *

Самарқанд давлат қўғирчоқ театрида Н. Гарнетнинг «Мушукча миёвлашни қандай ўрганди» пьесаси асосида яратилган янги саҳна асарини намойиш этиш билан театр мавсуми тугалланди. Саҳналаштирувчи режиссёр С. Аронбоев ва рассом Н. Султонов Н. Гарнет драматургиясига хос бўлган самимий муҳит ҳамда қувноқликни оддий усулда ифодалашга муваффақ бўлганлар. Театр Н. Гарнет асарларига учинчи марта мурожаат этди. Илгари унинг «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи» ҳамда «Яланглик» асарлари саҳналаштирилган эди.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23518.